Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 151 (8891). ● 5 август, 1986 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

## БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМИ

### 1986 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларини бажара бориб 1986 йилнинг биринчи ярмида халқ хўжалигида ижодий силжишлар бўлди: план топшириқларнинг бажарилиши яхшиланди, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш суръатлари ошди, халқ фаровонлиги янада юксалди.

Шу даврда областни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий якунлари қуйидагича бўлди:

| | 1986 йилнинг биринчи ярмида 1985 йилнинг биринчи ярмига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|
| Саноат маҳсулоти | 105,6 |
| Давлат капитал маблағлари ҳисобига фойдаланишга топширилган асосий фондлар | 121,4 |
| Давлат капитал маблағларини сарфлаш | 106,8 |

(Давоми учинчи бетда).

# ҚАЙТА ҚУРИШНИ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИ, У БАРЧАГА ВА ҲАР ЖИҲАТДАН ТААЛЛУҚЛИДИР

## *М. С. Горбачевнинг 1986 йил 31 июлда Хабаровск ўлка партия ташкилоти активининг кенгашида сўзлаган нутқи*

Азиз ўртоқлар, сизларни, Хабаровск ўлка партия ташкилотининг партия активини партия Марказий Комитети номидан самимий табриклайман. (**Қарсаклар**).

Сизлар билан бугунги учрашувимиз менинг Узоқ Шарққа қилган командировкамни якунлайди. Бу командировка қисқа бўлди, чунки бундай катта регион учун, лоақал фақат икки ўлка учун етти кун етарли эмаслигини айтмаса ҳам бўлади. Шундай бўлсада, командировка ҳам фойдали, ҳам мазмунли, кўпгина учрашувлар, суҳбатлар, фикрлашувларга бой бўлди. Зотан шу нуқтаи назардан Узоқ Шарққа қилган сафаримдан мамнунман, деб айта оламан. Мен бу ерда мана шу кунларни зўр қизиқиш билан, ўйлайманки, иш учун катта наф билан ўтказдим. Владивостокда, Находкада, Комсомольск-Амурда, Хабаровскда кўпгина учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтди. Умуман мамлакатда, шунингдек унинг конкрет регионларида режаларимизни рўёбга чиқариш хусусида янги ғоялар, янги фикр-мулоҳазалар вужудга келмоқда.

Аввало шуни айтмоқчиманки, биз шу кунларда кўрган ва эшитган нарсаларимизнинг ҳаммаси совет кишилари партия белгилаган чора-тадбирларни чуқур мамнуният билан, ҳатто айтишим мумкинки, жони-тани ва қалби билан қабул қилиб, қабул этилган қарорларни актив маъқуллаётганликларини яна бир бор тасдиқламоқда. Чунки мен партиянинг КПСС Марказий Комитети апрель Пленумидан кейин амалга оширган ишлари тўғрисида ва партия XXVII съездидан кейин бажараётган ишлар ҳақида салбий фикр билдирилган биронта ҳам фактни учратмадим. Бу, ўртоқлар, Узоқ Шарқда бўлишим якунларига кўра, мен чиқараётган энг муҳим бош сиёсий хулосадир.

Халқимиз ўзининг орзу-умидлари, режаларини съезд қарорлари билан, XXVII съездда таърифлаб берилган партия сиёсати билан боғламоқда. Халқимиз партия съезди ишлаб чиққан йўлни бажариш, амалда рўёбга чиқариш мамлакат тақдирига, бинобарин эса бутун жамиятимизга, меҳнат коллективларига, ҳар бир оилага, ҳар бир инсонга жуда зўр таъсир ўтказади деб умид қилмоқда. Демак биз, жамиятимиз реалликларини чуқур, жиддий, масъулиятли илмий анализ қилиш асосида шундай сиёсатни таклиф эта олдикки, буни халқ ўз сиёсати, деб қабул қилди. Ўртоқлар бу катта иш бўлиб, биз барча ижтимоий кучларни жамиятимизнинг бутун сиёсий ва маънавий потенциалини янада активлаштиришни таъминлай олишимизнинг муҳим шартидир.

Ишчилар синфи ҳам, деҳқонлар ҳам, техника зиёлилари ҳам, ижодкор зиёлилар ҳам — хуллас энди ҳеч ким: эскича яшашни, эскириб қолган, олға томон ҳаракатимизга тўсқинлик қилаётган, воқелигимизга, турмушимизга, социалистик тузумимизга доғ тушираётган нарсаларга тоқат қилишни истамаяпти. Эндиликда биз эскичасига яшай олмаймиз. Бу яққол кўриниб турибди. Шу жиҳатдан биз жадаллаштириш йўлида муайян қадам қўйилди, деб айта оламиз.

Аммо мана шу дастлабки қадам муваффақият деб, гўё биз ҳозирдаёқ бутун вазиятни қўлга олдик, деб қабул қилиниши мумкинлиги хавфи бор. Мен бу ҳақда Владивостокда айтган эдим. Хабаровскда ҳам яна бир марта айтиб ўтмоқчиман. Агар биз шундай хулоса чиқарганимиз тақдирда, катта хатога йўл қўйиб, янглишган бўлур эдик. Эришилган натижалар ҳозирча бизни мутлақо қаноатлантира олмайди. Умуман ҳеч қачон бажарилган ишлардан мағрурланиб кетмаслик керак. Буни биз ҳаммамиз яхши уқиб олишимиз лозим. Ўтмишдаги, аввалги, ўн йилликларнинг, кам деганда йигирма йилнинг сабоғи мана шундай. Ҳозир эса бу айниқса хатарли.



Хабаровск ўлка партия ташкилоти активи кенгашида.

Жадал ўсиш тенденциясини мустаҳкамлайдиган чуқур сифат ўзгаришлари ҳозирча рўй бергани йўқ. Умуман, ўртоқлар олдимизда катта ва қизғин ишлар турибди. Тўғрисини айтсак, энг муҳими ҳали олдинда. Буни мамлакатимизнинг партия активи, бутун партия яхши англаб олишлари керак. Хабаровск ўлка партия ташкилотининг партия активи ҳам буни яхши тушунади, деб ўйлайман. (**Қарсаклар**).

Иқтисодий потенциалнинг ўсиши планлаштиришни, бошқаришни хўжалик юритиш услубини кенг кўламда такомиллаштириш билан, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янги йўллари ва методларини излаш билан бир вақтда ва улар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бориши керак. Хабаровскдагина эмас, балки Москвада ҳам, министрликларда, Госпланда, ҳукуматда ва Сиёсий бюрода ҳам жадаллаштириш вазифасини қандай таъминлашимиз кераклиги тўғрисидаги тайёр йўл-йўриқлар ҳеч кимда йўқ.

Биз янги вазифаларни ҳал эта бориб, йўл-йўлакай ўрганишимиз лозим. Дадил олға боришда таваккал қилишдан, зиммага масъулият олишдан чўчимаслик керак. Қайта қуришни биз юриш чоғида, иқтисодий ва социал вазифаларни актив ҳал этиш давомида амалга оширамиз десак бўлади.

Кейинги вақтларда қайта қуриш тўғрисида тез-тез гапиришимга тўғри келмоқда. Бу ерда, Владивостокда, Комсомольск-Амурда ҳам деярли ҳар бир суҳбатда буни тилга олдим. Эҳтимол бирор кишида: биз бир нарсани ҳадеб такрорлайвермаётганмикинмиз? Шу жиҳатдан биз жонга тегмаётганмикинмиз? — деган савол туғилиши мумкин.

Йўқ, ўртоқлар, яна бир марта йўқ. Биз тасодифан шундай қилаётганимиз йўқ. Ривожланишимиз мантиқининг ўзи, ҳаётий зарурат ишни шундай йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Чунки гап мамлакат учун ниҳоятда жиддий ва муҳим жараёнлар тўғрисида бормоқда. Ҳаддан ташқари кўп нарса қайта қуришнинг муваффақиятига боғлиқ. Щунинг учун унга нисбатан эътиборни бироз бўлсада сусайтиришга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Социалистик тарихимизнинг бурилиш босқичларидаги ўзгартишларни амалга оширишда партиямиз қандай куч-ғайрат сарфлаб, қанчалик шижоат кўрсатганлигини бир эсга олинг. Владимир Ильич Ленин социализм қурилишига янгича ёндашувларни, янги иқтисодий сиёсатни жорий этиш зарурлиги тўғрисидаги масала ўртага қўйилганида буларни тушунтириб беришга, янги босқичда давлат ишини қайта қуришга қанчадан-қанча нутқлар, мақолаларни бағишлади. Партиянинг биринчи беш йилликлар, урушдан кейинги тикланиш ва халқ хўжалигини ривожлантириш давридаги масалаларни ҳал этишга ёндашуви тўғрисида ҳам худди шуни айтиш мумкин.

Ҳозир гап кўлами жиҳатидан улардан қолишмайдиган ўзгартишлар тўғрисида бормоқда. Ҳозирги қайта қуриш экономиканигина эмас, шу билан бирга ижтимоий ҳаётнинг бошқа барча томонларини: социал муносабатларни, сиёсий системани, маънавий-ғоявий соҳани, партиянинг, барча кадрларимизнинг иш услуби ва методларини қамраб олади. Қайта қуриш кенг маънодаги сўз. Мен қайта қуриш ва революция сўзлари ўртасига тенглик аломатини қўйган бўлур эдим. Партия Марказий Комитети апрель Пленумининг ва КПСС XXVII съездининг қарорларида белгиланган ўзгартишларимиз ислоҳотларимиз — жамиятдаги муносабатларнинг бутун системасида, одамларнинг ақли ва қалбида ҳозирги даврнинг психологияси ва уни тушунишда ва аввало, гуркираган фан-техника тараққиёти вужудга келтирган вазифалар психологияси ва уларни тушунишда чинакам революциядир.

КПССда, умуман мамлакатда ҳаёт ўртага қўйган муаммоларга жавобни социализмдан ташқарида эмас, балки планли экономика, социалистик демократия, маданият ва инсон омили имкониятларини оча бориб, халқнинг жонли ижодига таяниб ўз системамиз доирасида излаб топишимиз керак, деган ягона тушунча мавжуд.

Бу нарса Ғарбдаги баъзи кимсаларга ёқмаяпти. У ердагилар социализмдан чекинишни билдирадиган бирон нарса рўй беришини, биз капитализмга бош эгиб боришимизни, унинг методларини ўзлаштириб олишимизни ҳамон кутиб ётишибди. Биз бундан буён қандай ва қайси йўлдан боришимиз кераклиги тўғрисида чет эллардан кўплаб «маслаҳатлар» олиб турибмиз. Мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларга доғ тушириш, партия раҳбарлари билан халқ ўртасига нифоқ солиш мақсадида ҳар хил иғвогарлик эшиттиришлари ҳам олиб борилмоқда, мақолалар босиб чиқарилмоқда. Бундай ярамас уринишларнинг барбод бўлиши муқаррар. Партия билан халқнинг манфаатлари чамбарчас боғлиқ бўлиб, бизнинг мақсадимиз ва сиёсий йўлимиз қатъий ҳамда мустаҳкамдир. Мана шу асосий нарсада халқ билан партия якдил.

Бироқ эскириб қолган ақидалар кўзимизни хиралаштириб олға боришимизга, назарияни ижодий ишлаб чиқиб, уни жамиятимиз ўтиб бораётган ушбу конкрет тарихий босқичда амалда қўлланишга халақит қилишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Биз бунга ҳам йўл қўя олмаймиз.

Мен бу ҳақда шунинг учун ҳам гапиряпманки, бизда ҳали «қайта қуриш» сўзини қийинчилик билан қабул қилаётган, ҳатто бу сўзни баъзан қийналиб айтаётган кишилар бор албатта. Улар мана шу янгиланиш жараёнини кўпинча амалда шу жараёндаги мавжуд нарсаларни кўрмай, балки уни сал бўлмаса жамият негизларини ларзага келтириш деб, сал бўлмаса ўз принципларимиздан воз кечиш деб билмоқдалар. Бизнинг сиёсий йўлимиз социалистик тузумнинг потенциал имкониятлари ва афзалликларини батамом намоён этишга, олға томон ҳаракатимиз йўлидаги барча ғовлар, жамики тўсиқларни олиб ташлашга, ижтимоий тараққиёт омиллари учун кенг имконият яратишга қаратилган.

Яна бир нарса тўғрисида айтиб ўтмоқчиман. Биз қайта қуриш соҳасида қанчалик олға ҳаракат қилиб борсак, бу вазифанинг мураккаблиги шунчалик кўпроқ намоён бўлмоқда, олдимиздаги ишларнинг ғоят катта кўламлари ва ҳажми тўлароқ аниқланмоқда. Хўжалик ва бошқариш, социал масалалар, давлатчилик ва демократия, тарбия ва маориф, маънавий талаблар тўғрисидаги кўпгина тасаввурлар ҳали бугунги куннинг эҳтиёжлари ҳамда вазифаларидан ва айниқса бундан-буёнги ривожланиш вазифаларидан қанчалик орқада қолаётганлиги равшан бўлиб бормоқда.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тўпланиб қолган проблемаларни қатлам-бақатлам олиб ташлаш ўз умрини яшаб бўлган нарсалардан халос бўлиб, дадил ижодий қарорлар қабул қилиш лозим бўлади.

Марказий Комитет бунинг учун зўр куч-ғайрат ва кўп вақт талаб этилишини тушунади. Аммо шундай вазиятда сусткашлик қилишга ва айниқса қўл қовуштириб туришга йўл қўйиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам биз ҳар томонлама қайта қуриш зарурлигига такрор ва такрор қайтмоқдамиз ҳамда туб бурилишни аввало раҳбар кадрларимизнинг тафаккурида, барча меҳнаткашларнинг, бутун жамиятнинг тафаккури ва психологиясида туб силжишни таъминламагунимизча шундай қилаверамиз.

Дарвоқе, совет кишиларимиз қайта қуришни қатъий ёқлаб чиқаётганликлари бу ерда, Узоқ Шарқ диёрида яна бир бор тасдиқланди. Мен олаётган хатларда ва ҳозир мен одамлар билан учрашганимда, биз бирон бир йўналишда тўсатдан бўшашувчанликка йўл қўймаслигимиз ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ уларни ташвишлантирмоқда. Уларни мана шу нарса хавотирга солмоқда. Демак, меҳнаткашлар қайта қуришни ёқлаб чиқмоқдалар. Бу партия учун, кадрларимиз учун ғоят қулай вазият-ку ахир ўртоқлар. (**Қарсаклар**).

Ҳозирдаёқ мавжуд тажриба қайта қуриш жараёни бир вақтнинг ўзида юқорида ҳам, қуйида ҳам бориши кераклигини тасдиқлаб турибди ва буни шу ерда, сизларда яна бир бор кўрдим. Қайта қуриш бошқарув ҳамма босқичларини, сиёсий ва давлат раҳбарлигининг барча бўғинларини қамраб олиши ҳамда ишлаб чиқариш коллективларидаги қайта қуриш билан боғланиши керак.

Баъзида у қандай ажиб иш ўзи — қайта қуриш, шу қайта қуришни қандай тушуниш керак, у қандай нарса ўзи? — деб сўрашади. Биз ҳаммамиз унинг тарафдоримиз-у, лекин нима қилишимизни билмаймиз, дейишади. Кўпчилик худди шундай деб айтмоқда. Биз Марказий Комитетда, Сиёсий бюродагиларнинг фикрича, қайта қуришни, қайта қуриш борасидаги жамики ишларни ҳар бир киши ўзидан, ўзининг гражданлик позициясини белгилаб олишдан, сиёсий, меҳнат фаолиятини активлаштиришдан, топширилган иш учун, пировард натижалар учун жавобгарликни кучайтиришдан бошлаши керак. Менимча бу мутлақо равшан бўлиши лозим. Оддий соғлом фикр ҳар ким қаергадир — юқорига ёки қуйига ёҳуд ўнг, сўл томонларга ишора қилавермаслиги кераклигини кўрсатиб турибди. Аввало ўзингга савол беришинг, аввало ўз олдингга вазифа қуйишинг — ҳамма нарсани виждонан, ўз олдингдаги ва халқ олдидаги катта масъулиятни ҳис этиб, бажаришинг керак. Мана шуларнинг ҳаммаси қилинган тақдирда қайта қуриш ишлари юришиб кетади. Жамиятни социал-иқтисодий тараққий эттиришни жадаллаштириш жараёнидан ҳеч ким четда қолиши мумкин эмас, четда қолмаслиги лозим.

Аммо қайта қуриш фақат шунгагина дахлдор эмас. Қайта қуриш жамиятда шундай муҳит яратилишини тақозо этадики, бундай муҳит одамларни йиғилиб қолган сусткашлик ва лоқайдликни бартараф этишга, ишда ва турмушда социализм принципларига, бизнинг дунёқарашимиз ва турмуш тарзимизга мос келмайдиган ҳамма нарсалардан халос бўлишга йўналтирган бўлур эди. Очиғини айтганда, бу ўринда қилинадиган ишлар бор. Лекин шу ҳолда ҳам ҳар бир киши — Сиёсий бюрода ҳам, бошланғич партия ташкилотида ҳам аввало ўзига назар ташлаши ва ҳар бир киши конкрет равишда ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиши лозим, ўртоқлар. Ўтган йиллар мобайнида биз танқид, ошкоралик, жавобгарлик етарлича бўлмаган вазиятда баъзи нарсаларга, умуман социализм принципларига жавоб бермайдиган нарсаларга кўникиб қолдик. Мен бу гапни ҳам оддий ходимларга, ҳам мансабдор шахсларга нисбатан айтмоқдаман. Оддий ходимлар ҳам, мансабдор шахслар ҳам «гард»ни қоқиб ташлашлари, бамисоли тозаланишлари керак. Партия комитетлари эса бу жараёнга актив ёрдам беришлари лозим. (**Қарсаклар**).

Биз қайта қуриш ишларини мураккаб, кескин халқаро вазиятда амалга оширмоқдамиз. Империализм қуролланиш пойгаси ғилдирагини тез айлантиришни давом эттирмоқда, шу сабабли биз ўз мудофаамизни мустаҳкамлашимиз керак, бу эса кўп маблағ ва куч-ғайрат талаб этади. Шу нуқтаи назардан ҳам жадаллаштириш ҳаётий зарурдир.

Ҳамма нуқтаи назардан жавоб битта — бу ҳам бўлса қайта қуришни сабот билан давом эттириш керак. Ўртоқлар, аввало айни шунинг учун Марказий Комитетнинг июнь Пленумини ўтказиш керак бўлган эди. Шу Пленум бизга съезддан кейинги ишда муҳим босқичга чиқиб олишимизга имкон берди, унга кўпроқ жўшқинлик, ҳужумкорлик, ишчанлик ва конкретлилик бағишлади.

Планли экономикага, алоҳида хўжалик юритиш системасига мувофиқ иш олиб бориладиган мамлакатимизда, партия, идора қилувчи партия бўлган мамлакатда кўп нарса бунинг устига ҳал қилувчи даражада партия қандай ҳаракат қилаётганига, унинг кадрлари, биринчи навбатда партия активи қандай ишлаётганига боғлиқдир. Улар, кадрлар, партия активимиз ҳамма нарсани диққат марказида тутишлари, янги ғояларни юзага келтиришлари, янги ёндашувларни ишлаб чиқишлари, партия съезди қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ курашига бошчилик қилишлари керак. Партиямиз тарихидаги яхши бир сўзни ишлатиб, уни ҳозирги вазиятга, кадрларимиз ҳамда партия активимизнинг ўрни ва ролига нисбатан қўллаган бўлур эдим. Бугунги кунда улар — социализмни ривожлантириш учун курашнинг ҳозирги босқичи комиссарларидир. (**Қарсаклар**).

Ҳамма ўз ишини кучайтириши керак. Таъкидлаб айтаманки, ўртоқлар, ҳамма: ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган кишилар ҳам, илм-фан, бошқариш, ташкилий ва сиёсий иш билан боғлиқ бўлган кишилар ҳам ўз ишларини кучайтиришлари лозим. Ҳозир ҳар бир тармоққа ва ҳар бир корхонага тадбиқан фан-техника тараққиётини олға силжитиш, жадаллаштиришнинг сифат жиҳатини таъминлаш учун конкрет равишда нима қилиш зарурлигини билиб олиш керак, чунки экономика — энг муҳим вазифа эканлиги равшан. Экономикани янги изга, жадаллаштириш суръатларига, сифат жиҳатдан янгича ёндашувларга ўтказиш ғоят катта сиёсий, социал ва бошқа оқибатларга эга бўлади.

Ўтган йиллардаги практикада, партия фаолиятида кўпгина яхши нарсалар бор. Буни ҳисобга олиш керак. Аммо, ўртоқлар, ҳозирги давр ва вазифалар бутунлай бошқача. Экономика ва техникадаги янги масалаларнинг жавобларини 30—40, 50-йиллар ва ҳатто 60 ва 70-йиллар тажрибасидан излайдиган бўлсак олға ҳаракат қилолмаймиз. Ҳозир вақт бошқа, талаблар бошқа, эҳтиёжлар бошқа, лекин имкониятлар ҳам бошқача. Буни биз ҳаммамиз яхши ўзлаштириб олишимиз керак.

Бугун мен сизларнинг эътиборингизни фан-техника тараққиётига, энг янги технологияларни жорий этишга хўжалик юритишнинг янги механизмига жалб этаман. Булар бошқа тадбирларга нисбатан энг юксак иқтисодий самара бермоқда. Одатда янги технологияларни жорий этиш харажатлари узоғи билан бир-бир ярим йилда қопланмоқда. Ишлаб чиқаришни худди шу техникавий асосда, ўша даражадаги техника билан оддий кенгайтириш харажатлари эса 5—7 йил ичида қопланади. Бутун дунёдаги технология фронтида бундай кураш бораётганлигининг боиси ҳам мана шунда. Технология ҳар қандай жамиятнинг ҳаракат қилиш суръатларини ғоят жадаллаштиради, меҳнат унумдорлигини жуда тез ошириб, ниҳоятда катта самара беради.

Ўртоқлар, биз (мен бу ҳақда июнь Пленумида айтиб ўтган эдим, сизлар уни эслаб қолгансиз, деб ўйлайман), ўзимизнинг илмий-техникавий сиёсатимизда кўпгина тармоқларда ўртача техникавий даражага, ўша қарорларнинг ўзини такрорлашга қаратилган йўлдан бориб, янги корхоналаримизнинг янги лойиҳаларига эски техникани асос қилиб олганимизда жиддий хатога йўл қўйган эдик. Кўпинча эса бизнинг узоққа чўзиладиган шароитда, корхоналар ҳали барпо этилаётган пайтдаёқ техника аллақачон маънавий жиҳатдан умуман эскириб қолаверди. Шундай қилиб биз қолоқлик миқёсини кенгайтиравердик. Бу жиддий хатодир. Ҳозир биз шу хатони тубдан тузатиб олишимиз керак. Бу ҳақда мен партия ва халқ олдида очиқ ойдин, тўғридан-тўғри айтиб ўтган эдим ва буни такрорламоқчи эмасман.

Ҳозир министрликлар, идоралар ва корхоналар ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган техника билан қайта жиҳозлаш планларини аниқлаш борасидаги ишларни ниҳоясига етказмоқдалар. Биз барча министрликларни янги корхоналарнинг ҳам, ва айниқса реконструкция қилинаётган корхоналарнинг ҳам техникавий лойиҳаларини қайта кўриб чиқишга мажбур этдик. Ҳозирги даражага мос келмайдиган лойиҳаларнинг ҳаммаси амалда рўёбга чиқарилишидан тўхтатиб қўйилиши, зарур. Чунки, қолоқликка асосланган лойиҳаларни ҳозир рўёбга чиқарадиган, бунинг устига уларни барпо этадиган бўлсак, бу қандай маънони билдиришини бир тасаввур қилинг-а: биз 15—20—25 йиллик қолоқликка замин яратган бўламиз. Ҳеч қандай ўпирилиш юз бермайди. Бир икки йил сабр қилиб, машинасозликда биз янги техника ва янги технологияга чиқиб олгандан кейин белгилаган катта тадбирларни рўёбга чиқаришимиз ва шундагина мазкур лойиҳаларни амалга оширишимиз керак. Аммо юқоридаги министрликларнинг иши жойлардаги кадрларимиз ва партия ташкилотларининг ишлари билан мустаҳкамланиши лозим. Баъзилар ўзларининг тор проблемаларига асосланиб ва фақат ўз корхонасинигина ўйлаб, ярим-ёрти қарорларга умид боғламоқдалар. Бундай хато фикрга барҳам бериш керак, ўртоқлар.

Масалан, биз ҳозир ишлаб чиқараётган техникани (бу техниканинг ҳаммаси ёмон эмас, албатта. Лекин талай даражада яхши эмас) енгил саноатда ўрнатсак тикувчилик ишлаб чиқариши, енгил саноатнинг бошқа тармоқлари унумдорлик ва сифат жиҳатдан 3, 4, 5 процентдан 10 процентгача ўсади.

Аммо биз ҳозир ишлаб чиқариш учун заводларимизда базани вужудга келтираётган янги техникага чиқиб олганимиз тақдирда айни ўша корхоналарда, худди ўша жойларнинг ўзида меҳнат коллективларининг сони ўзгармаган ҳолда камида 30—40—50 процент ўсишига эришиш мумкин. Техника сиёсатида тўғри йўлни танлаб олиш мана шундан иборат. Бунга эътибор беринг. Тубдан реконструкциялаш ишларини бошлаш керак, борди-ю баъзи лойиҳалар эскириб қолган бўлса уларни қайта кўриб чиқиш ёки умуман тўхтатиб қўйиш лозим.

Биз министрларга: ишлаб чиқаришни интенсивлащ билан чуқур шуғулланиш керак, деб айтдик. Эски технология ва эскича усулларга ёпишиб олган кишини биз жиддий тўғрилаб қўйишимиз, бундан ҳеч нарса чиқмаган, қайсарлик, калтафаҳмлик қилаётган ва энди уни жойидан қимирлатиб ўтмиш тасаввурлари чуқуридан чиқариб бўлмаган тақдирда эса ундан воз кечиш керак, у ана шу чуқурда ўтириб олиб, атроф теваракка ўқ отиб ётаверсин, мамлакат эса олға бораверади.

Тўғрисини айтсам, бизнинг фикримиз, Сиёсий бюронинг фикри шундай: бировлар ҳисобига яшаш фикри сингиб кетган, доимо у нарса кам, бу нарса кам, уни беринг, буни беринг, деб турувчилар ва бошқаларнинг ҳаммаси айбдор, яхши ишлаш учун объектив сабаблар ҳалақит қиляпти, деб зорланаверадиган киши замон талабини тушунаётган ва мана шу ғоят катта масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган янги кадрларга йўлни бўшатиб қўйиши керак.

Биз шу беш йилликда машинасозликни олға томон жуда зўр силжитамиз. Лекин натижаларни биз баъзи ҳолларда икки-уч йилдан кейин бошқа ҳолларда эса уч-тўрт йилдан кейин сеза бошлаймиз. Бундан сакраб ўтиб бўлмайди дейиш мумкин. Биз ҳар томонлама ўйланган ташкилий-техникавий қарорлар ҳисобига энг яқин турган резерв ва имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилашимиз керак. Мен сизларнинг корхоналарингизда бўлдим. Мамлакатнинг бошқа районларидаги саноатда бўлгани каби бу ерда ҳам ҳозиргача фойдаланилмай қолаётган жуда катта резервлар кўриниб турибди. Сизларнинг ҳам қийинчиликларингиз оз эмаслигини яхшироқ тушуниб олдим. Сизларга ҳам ёрдам бериш керак.

Ҳозир ҳукуматда ва Госпланда Узоқ Шарқ иқтисодий районининг ишлаб чиқариш кучларини комплекс ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Узоқ Шарқнинг рангли металлургияси, ўрмон ва балиқчилик саноатида қайта ишловчи корхоналарни қўшимча равишда ривожлантириш ҳисобига хом ашё базасидан яна ҳам тўлиқроқ ва комплекс фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Ёқилғи-энергетика базасини мустаҳкамлаш, транспорт системасини — темир йўл ва автомобиль йўлларини, портларни, дарё ва авиация транспортини янада ривожлантириш мўлжалланмоқда. Қурилиш ташкилотларининг қувватларини ўстириш назарда тутилмоқда. Мана шулар Узоқ Шарқ қиёфасини ўзгартириш суръатларини талай даражада белгилаб беради, деб айтган бўлур эдим.

(Давоми иккинчи бетда).

